

338.24(26)021.8

ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИДАГИ НУҚСОНЛАР: АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ, ИҚТИСОДИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИККА ТАЪСИРИ

Азизов Улуғбек Ўктамович,
иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор

Холияров Нуриддин Аралович,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон Республикаси Куролли кучлар Академияси

Аннотация. Мазкур мақола бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида юз бераётган пандемия шароитида Ўзбекистон фармацевтика соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотларни янада такомиллаштириш ҳамда соҳани аҳоли эҳтиёжлари учун жавоб берадиган даражада юксалтириш мақсадларини кўзлайди. Мақолада давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар, уларнинг ишлатиш ҳолати, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва унинг замон талабларига мослиги, Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли саломатлиги, тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва ундан барча аҳоли қатламнинг фойдалана олиш имкониятини таъминлаш юзасидан ҳукумат томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар, тиббиётга замонавий илм-фан ютуқлари ва технологияларини жорий этиш борасида фикр-мулоҳазалар, республика аҳолиси ўртасида бирламчи касалликлар ва касалланишлар сонини ортиб бориш ҳолати таҳлил қилинади. Мавжуд касалликлар ортиб боришининг сабаблари, унинг олдини олиш борасида давлат томонидан тиббий дори-дармонлар сони ва таркибини яхшилаш борасидаги тадбирлар ретроспектив ёритиб берилган. Ўзбекистонда фармацевтика соҳасини ривожлантириш борасидаги тўсиқлар ва мавжуд муаммолар компаратив таҳлил нуқтаи назаридан ривожланган хорижий давлатлар, жумладан, Германиянинг фармацевтика саноати тажрибаси билан солиштирилган. Шу билан бирга, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч тушунчалар: фармацевтика, пандемия, хавфсизлик, аҳоли саломатлиги, психотроп препаратлар, табиий дори воситалари, стратегия, мониторинг, тиббий суғурта.

НЕДОСТАТКИ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ: ВЛИЯНИЕ НА ЗДОРОВЬЕ НАСЕЛЕНИЯ, ЭКОНОМИКУ И БЕЗОПАСНОСТЬ

Азизов Улуғбек Уктамович,
кандидат экономических наук, профессор

Холияров Нуриддин Аралович,
кандидат экономических наук, доцент

Академия Вооруженных сил Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье приведено исследование, направленное на дальнейшее совершенствование реформ, проводимых в фармацевтической промышленности Узбекистана, в контексте мировой пандемии, подъема отрасли в целях удовлетворения потребностей населения. В статье проведен анализ использования выделенных из государственного бюджета средств, качества медицинской помощи и ее своевременности, мер, принятых государством и указанных в Стратегии действий, для обеспечения здоровья населения, эффективности, качества и доступа к медицинской помощи всех слоев населения. Дано заключение о внедрении научных достижений и технологий в сфере, исследован рост числа первичных болезней и недомоганий среди населения республики. Ретроспективно освещены причины роста заболеваний, а также меры, принимаемые государством по улучшению количества и состава лекарственных препаратов для их профилактики. Препятствия и существующие проблемы в развитии фармацевтической отрасли описаны с точки зрения сравнительного анализа с опытом развитых зарубежных стран, например, Германии. Разработаны обоснованные предложения и рекомендации по решению существующих проблем в данной сфере.

Ключевые слова: фармацевтика, пандемия, безопасность, здоровье населения, психотропные препараты, целебные средства, стратегия, мониторинг, медицинское страхование.

DISADVANTAGES OF PHARMACEUTICAL ACTIVITIES: IMPACT ON PUBLIC HEALTH, ECONOMY AND SECURITY

Azizov Ulugbek Uktamovich,
Candidate of Economic Sciences, Professor

Kholiyarov Nuriddin Aralovich,
Candidate of Economic Sciences, Associate Professor

Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan

Abstract. The article deals with the issues on further improvement the ongoing reforms in the development of the pharmaceutical industry in Uzbekistan, in the context of the current pandemic worldwide. It describes the funds allocated from the state budget, the quality of medical care, the Actions Strategy measures taken by the state to ensure public health, quality and access to medical care by all segments of the population. The conclusion part highlights the essence of the introduction of scientific achievements and technologies and an in-depth analysis of the growth in the number of primary diseases and ailments among the population of the republic. The reasons for the growth of existing diseases, the measures taken by the state to improve the number and composition of drugs for the prevention have been analysed from retrospective viewpoint. The obstacles and existing problems in the development of the pharmaceutical industry in Uzbekistan have been compared with the experience of developed foreign countries, including Germany. At the same time, well-grounded proposals and recommendations were developed to solve existing problems in this area.

Keywords: pharmacology, pandemic, security, public health, psychoactive drug herbal remedy, strategy, monitoring, health insurance.

Коронавирус пандемиясининг жаҳон миқёсида кенг тарқалиши глобал инқирозни вужудга келтирди, деярли барча давлатлардаги иқтисодий ва ижтимоий вазиятга салбий таъсир кўрсатди. Пандемия сабаб юзага келган инқирознинг бошқа жаҳон инқирозларидан турли жиҳатлари билан фарқланиши, иқтисодиётга салбий таъсири жуда юқорилиги кузатилмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги синовли вазиятда кундалик эҳтиёж моллари ва зарурий озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли бўлишини таъминлаш, нархлар асоссиз ошишининг олдини олиш, дори воситаларига бўлган эҳтиёжни тўла қондириш, аҳолининг кам таъминланган қисмини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш долзарб вазифалардан саналади.

Ўзбекистон бюджетининг пандемия сабабли йўқотишлари 4,4 трлн сўмга баҳоланиб, пандемия даврида аҳоли,

иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўрилган чораларнинг умумий қиймати 62 593 млрд сўмни (6,13 млрд АҚШ доллари) ташкил этмоқда [1]. Шунингдек, коронавирусга қарши курашиш учун Ўзбекистон Осиё тараққиёт банки (ОТБ), Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ва Жаҳон банкidan 1 миллиард доллар ҳажмида қарз олган [2].

Бугунги кунда республика фармацевтика соҳаси зарур тиббиёт маҳсулотлари ва дори-дармонлар, хусусан, бир марталик тиббиёт қўлқоплари ва ниқоблар, турли хил вирусларга қарши дори-лар ва антибиотиклар, инфузион эритмалар ва бошқа тиббий буюмларни пандемияга қарши курашиш учун зарур ҳажмда етказиб бера олмаяпти.

Дорихоналарда вирус ва иситмага қарши препаратлар нархининг асоссиз равишда бир неча баробар ошириб юбо-


рилганлиги аҳоли орасида кўплаб эътирозларга сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолатлар республика фармацевтика саноатини янада ривожлантиришни тақозо этади.

Шу сабабдан фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда етакчи хорижий компанияларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, инновацион фармацевтика маҳсулотларини яратишни рағбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ва экспорт салоҳиятини ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019–2025 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш концепциялари доирасида тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва ундан барча аҳоли қатламининг фойдалана олиш имкониятини таъминлаш, тиббиётга илм-фаннинг замонавий ютуқлари ва технологияларини жорий этиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республикада 2014 йилда 520 миллиард сўмдан ортиқ фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2018 йилда 1,5 триллион ва 2019 йилда 1,73 триллион сўмдан ортиқ миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки ўсиш ўртача 3,3 бараварни ташкил этди. Ушбу даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўртача 4 марта ўсиб, тайёр дори воситалари 360 миллион, тиббий буюмлар 490 миллион шартли бирликдан ортиқни ташкил қилди [4].

Охирги йилларда соғлиқни сақлаш соҳаси, жумладан, фармацевтика маҳсулотларига сарфланаётган маблағлар йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, 2020 йилда давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳаси учун ажратилган харажатлар 14,8 трлн сўм ёки 2019 йилга (12,08 трлн сўм) нисбатан 33,6 га ошган ҳолда, жами харажатларнинг 11,3 %, ЯИМнинг эса 2,3 %ни ташкил этган. Шундан дори-дармон ва боғлов воситалари учун харажатлар 1,43 трлн сўм ёки 2019 йилга нисбатан 30 %га кўпни ташкил қилган [7]. Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар динамикасини қуйидаги расмда кўриш мумкин (1-расм).




1-расм. Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағлар, трлн сўм

Манба: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

2020 йилда соҳага давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳажми 2015 йилга нисбатан 2,74 баробарга ортган. Шунингдек, соғлиқни сақлаш муассаса-

лари ва дори-дармонлар учун ажратилган маблағлар миқдори ҳам йил сайин ортиб борган (2-расм).




2-расм. Соғлиқни сақлаш муассасалари ва дори-дармонлар учун ажратилган маблағларнинг ўсиш динамикаси

Манба: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари.

Сарфланаётган харажатларнинг ортиши билан бир қаторда мамлакатда бирламчи касалланишлар ва умумий касаллар сони ҳам ўсиб бормоқда. 2003 йилдан бугунги кунгача республика бўйича бирламчи касалланишлар сони


1,6 марта (ҳар 100000 аҳолига $1290,8 \pm 2,05$ дан $2069,2 \pm 2,4$ гача), умумий касалланишлар сони эса 1,3 марта (ҳар 100000 аҳолига $4671,6 \pm 3,8$ дан $6062,0 \pm 4,1$ гача)га ошган[8] (3-расм).



3-расм. Бирламчи ва умумий касалланишлар сонининг ўсиш динамикаси

Шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон овқат ҳазм қилиш аъзолари ва сил касалликлари бўйича жаҳон-

да етакчи ўринлардан бирини эгаллаган[6]. Қуйида овқат ҳазм қилиш аъзолари касаллиги бўйича давлатлар ўрта-сидаги ҳолатни кўриш мумкин (4-расм).



4-расм. Овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари сонининг давлатлар кесимидаги динамикаси

Юқорида таъкидланган статистик маълумотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, мазкур касалликлар сонининг ортиб боришига, фикримизча, қуйидаги омиллар таъсир қилган:

жаҳон миқёсида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам экологик вазиятнинг охирги йилларда ёмонлашиб бораётганлиги;

Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги;

атроф-муҳитнинг инсон организми учун зарарли бўлган чиқинди газлар (автомобиллар, завод ва фабрикалардан чиқадиган) билан ифлосланиб бориш даражаси ва бошқалар.

Республикада касалланишлар сони камайтириш, даволаш ва унинг олдини олиш борасида ҳукумат томонидан фармацевтика соҳасига катта эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи 202 та маҳаллий корхоналар фаолият юритмоқда. Улардан 95 таси турли хил дори воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган, 23 таси тиббий техника, 62 таси тиббий буюмлар ва 11 таси дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар ишлаб чиқаради. 9736 та дори воситаларига тиббиёт

амалиётида фойдаланишга рухсат берилган, шу жумладан, 2634 номдаги маҳаллий дори воситалар, 1759 номдаги тиббий буюмлар (улардан 284 таси маҳаллий), шунингдек, 1666 номдаги тиббий техника (78 таси маҳаллий) ишлаб чиқарилмоқда [3].

Республика ҳар йили 18 миллион АҚШ долларида ортиқ миқдорда 5 минг тоннадан ортиқ ўсимлик хомашёси ва унинг асосида ишлаб чиқарилган дори препаратларини экспорт қилмоқда. Эътиборли жиҳати, маҳаллий ишлаб чиқарувчи 27 та корхона томонидан 25 фармакотерапевтик гуруҳга мансуб дори воситалари ва 10 номдаги тиббий буюмлар 14 та хорижий давлатларга, жумладан, АҚШ, Германия, Россия, Франция ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Корхоналар томонидан экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми 2019 йилда 22,1 млн АҚШ долларини ташкил этди. 6 та янги фармацевтик бозор – Жанубий Корея, Туркия, Молдова, Тожикистон, Беларусь ва Яман давлатлари бозорлари ўзлаштирилган [9].

Бироқ доривор ўсимлик хомашёси асосида талаб юқори бўлган дори воситаларини серияли ишлаб чиқаришнинг даражаси ва ҳажми етарли эмас. Фармацевтика корхоналарининг аксарияти оддий формулалари дори-дармонларни ишлаб чиқариш билан чекланмоқда, яъни яллиғланишга қарши ва диагностик воситалар, токсикология, гинекология, акушерлик, иммунология, гематология, онкология ва стоматология соҳасидаги дори препаратлари деярли ишлаб чиқарилмайди (10 фоиздан кам).

Шу боис ҳозирги кунда мамлакат фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган дори-дармон аҳоли эҳтиёжининг 21 фоизини қоплайди, 79 фоиз дори-дармон четдан импорт қилинади. 2016 йилда 873 млн АҚШ доллари қийматида дори препаратлари импорт қилинган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 926,8 млн долларни ташкил қилган [4].

2020 йилда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини харид қилишга давлат бюджетидан 1491,8 млрд сўм (2016 йилга нисбатан эса 6,5 баробар ёки 2019 йилга нисбатан қарийб 36 фоизга кўпроқ) ажратилди [10].

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғининг ҳозирги ҳолати таҳлили шуни кўрсатадики, маҳаллий фармацевтика тармоғи аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларининг фармацевтика маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини етарли даражада қаноатлантирмайди.

Хусусан, фармацевтика саноати чиқарилаётган маҳсулот турлари бўйича иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг шундай секторларидан ортда қолмоқда. Айни пайтда АҚШ, Германия ва Франция каби ривожланган хорижий мамлакатларда маҳаллий фармацевтика саноатининг фармацевтика бозори умумий ҳажмидаги улуши 75 фоизни ташкил этади [11].

Бугунги кунда дунё давлатларида табиий дори воситаларига бўлган талаб йилига 6-7 фоизга ортган, халқаро

экспертларнинг прогнозига кўра, 2020 йилда йиллик товар айланмаси 35 млрд доллардан ошади. Хитой, Ҳиндистон, Канада ва АҚШ каби давлатлар ёввойи ҳолда ўсаётган доривор ва зиравор ўсимликларни сақлаш, маданий плантация усулида кўпайтириш борасида катта тажриба ва имкониятга эга. Дунё давлатларида 12 минг турдаги доривор ўсимликларнинг мингдан ортиғи, Ўзбекистонда эса 1,2 минг турдаги доривор ўсимликларнинг 112 таси фармацевтика саноатида ишлатилади [13].

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарда халқаро стандартлар, шу жумладан, фармацевтик корхоналарда дори воситалари сифати ва хавфсизлигини тартибга солувчи “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти” (GMP), “Зарур фарм назорат амалиёти” (GVP) ва ISO 13485 талабларини жорий этиш амалиёти етарли даражада ташкил этилмаганлиги ташқи ва ички бозорда рақобатбардош самарадор ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятларини чеклайди.

Аҳоли саломатлиги борасида амалга оширилаётган ислохотларга қарамай, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати, аҳоли соғлиги кўрсаткичлари ва фармацевтика саноати ривожланишига тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан:

фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантиришнинг ягона стратегияси ишлаб чиқилмаган;

даволаш муассасалари ва аҳолини дори воситалари, тиббий мақсаддаги буюмлар билан таъминлаш устидан тизимли мониторинг ва назорат мавжуд эмас;

фармацевтика тармоғи муассасаларининг илмий-тадқиқот фаолияти замонавий талаб даражасида эмас.

Дорихоналарнинг аҳоли сонига тўғри келишини давлатлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, Халқаро фармацевтика федерацияси (FIP)

экспертлари қайси давлатда 100 минг аҳолига 30 тадан кам бўлмаган дорихона тўғри келса, ушбу давлатнинг соғлиқни сақлаш тизими ривожланганлигини қайд этади. Агар ҳар 100 минг аҳолига 40 та ва ундан ортиқ дорихоналар тўғри келса, жамоат соғлиғини сақлаш тизимида нуқсон бор деб ҳисоблайди [13].

Ўзбекистонда дорихоналар сонининг ортиб бораётганлиги, бир томондан, аҳолининг дори воситаларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш имкониятини берса, иккинчи томондан, хуфийёна иқтисодиёт ривожланишига ҳам замин яратади, яъни қалбаки дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳажми ортади, солиқдан қочиш ҳолатлари кўпаяди ва айрим қўштирноқ ичидаги тадбиркорларнинг бойишига олиб келади.

АҚШ, Германия, Япония, Жанубий Корея ва бошқа ривожланган хорижий давлатлар амалиётида дорихоналар фақат шифохона ва клиникаларда фаолият кўрсатади. Ўзбекистондаги каби кўп қаватли уйлар, бозорлар, жамоат жойлари, бекатлар ва бошқа жойларда дорихоналар мавжуд эмас.

Европа давлатларида дорихоналар фаолияти дори препаратлари категориясига қараб бўлинган. Масалан, Германияда барча дори препаратлари учта категорияга бўлинади: биринчи категорияга эркин ва ҳамма жойда сотишга рухсат этилган препаратлар, яъни кам таъсир қилувчи витаминлар, гиёҳли чойлар ва дамламалар, шифобахш лой (балчиқлар), пластырь, рух, ёшартирувчи кремлар, дезинфекция воситалари, иккинчи категорияга рецептсиз, яъни шифокор ёзиб берадиган қоғозсиз фақат дорихоналарда сотиладиган дори препаратлари (сурункали касалликлар учун) киради. Мазкур дори препаратларини сотиб олишда бемор ўз ҳамёнидан пул тўлайди. Учинчи категория дори препаратлари фақат рецепт билан сотилади. Германияда деярли

барча фуқаролар тиббий суғурта қилинганлиги сабабли дорихонадан шифокор рецепти асосида сотиб олинadиган дори препаратларига пулни суғурталовчи (хусусий ёки давлат)нинг ўзи тўлайди. Аҳоли кўпроқ учинчи категориядаги дори препаратларидан фойдаланади. Бунга сабаб дори воситасини суғурта ҳисобига олади ва шифокор жавобгарлиги остида даволанади.

Шунингдек, Германиянинг жаҳондаги бошқа давлатлардан фарқли жиҳати, маълум бир концерн ёки шахсга тегишли бўлган дорихоналар тармоғи мавжуд эмас.

Ўзбекистонда дорихоналарнинг оммалашиб, кўпайиб кетганлигини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин: дори препаратларининг рецептсиз сотилиши; дорихоналарнинг соғлиқни сақлаш органларига бўйсунмаслиги; оммавий ахборот воситалари орқали дори препаратларини реклама қилиш даражасининг юқорилиги (худди конфетнинг рекламаси каби); касалликни даволаш учун янгидан янги дори препаратларини ишлаб чиқаришнинг ортганлиги (битта касалликни даволаш учун арзон-қимматлигига қараб бир қанча дори воситалари мавжуд); хориждан кириб келадиган, яъни импорт қилинадиган (қонуний ёки ноқонуний йўл билан) дори воситалари ҳажмининг йил сайин ортиб бораётганлиги; аҳолининг касалликдан даволаниш учун дори воситалари тўғрисидаги ҳар хил гапларга ишонувчанлиги; айрим тадбиркорларнинг бойиш мақсадида дорихоналар сонини кўпайтириши, лобби ва бошқалар.

Айрим мутахассислар дорихоналар кўпайишини касаллик турларининг ортиб бораётганлиги билан боғлайди. Бундай қарашни тўғри деб бўлмайди, чунки охириги 20-25 йил давомида касалликлар сони юз баробарга кўпаймади. Агар кўпайган бўлса ҳам, бу дорилар сонининг кўпайиши натижасида рўй берганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Дорихоналар сонининг ортиши психотроп препаратлар ва қалбаки дори воситаларининг сотилиш ҳажмининг ҳам ортишига олиб келмоқда. Мавжуд маълумотларга кўра, психотроп препарат ҳисобланган “лирика”, “трамодол” ва бошқа прекурсорларнинг Ўзбекистонга кириб келиши катта бизнес пирамидаси устида амалга оширилмоқда. Дорилар Туркиядан Ўзбекистонга Қозоғистон ва Қирғизистон чегара ҳудудларидан айланма йўллар орқали кириб келади. Мазкур ҳолат, ўз навбатида, хавфсизлик, аҳоли саломатлиги ва иқтисодиётга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Хавфсизликни шахс, жамият ва давлатнинг муҳим манфаатлари ҳимояланганлик ҳолати, давлатнинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли ва мустақил иштирокининг таъминланиши, суверен ва прогрессив ривожланиши, ички барқарорлигига таҳдид солаётган ташқи ва ички хавф-хатарлардан ҳимояланганлик тизими деб таърифласак, бугунги кунда давом этаётган коронавирус пандемияси, унинг жамиятдаги оқибатлари ва фармацевтика соҳасида хуфиёна иқтисодиёт мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиши ва давлатнинг манфаатларига салбий таъсир кўрсатаётганлигини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, аҳоли ўртасида ҳар хил касалликларнинг юзага келиши, даволаши учун сарфланаётган маблағларнинг ортиши натижасида қашшоқлик даражасининг ўсиб бориши, давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш тизимига ажратиладиган сарфлар улушининг ошиши ва айрим ҳолатларда дори препаратлари импортига қарамликнинг кучайиши хавфсизликка таҳдидларнинг ортиб боришига олиб келади.

Бугунги кунда фармацевтика маҳсулотлари ҳажми ва дорихоналар сони кўпайиб бораётганлигининг аҳоли саломатлиги, иқтисодиёт ва давлат

манфаатларига (хавфсизликка) таъсирини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Аҳоли саломатлигига таъсири:

бугун дори препаратларидан (синтетик ва ярим синтетик) нотиббий мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари кўп кузатилиб, уларни ўзбошимчалик билан қабул қилиш бутун организм, жумладан, бош мия ҳужайралари, жигар ҳолати (сурункали гепатит, цирроз) ва буйраклар ва ошқозон-ичак тракти фаолиятига салбий таъсир қилади;

махсус мутахассисликка эга бўлмаган (шифокорлик дипломи мавжуд, аммо сертификати йўқ ва амалий тажрибаси етарли бўлмаган) шифокорлар томонидан беморга нотўғри ташхис қўйилиши ва нотўғри даволаш олиб борилиши;

истеъмол қилинган янги-янги турдаги дори воситалари организмдаги маълум касалликни даволаши билан бир қаторда бошқа аъзоларга зарар етказди ва аҳолининг иммун тизимининг ҳимояланган даражасини пасайтиради (беморнинг организми сунъий дориларни қабул қилганлиги сабабли касалликка қарши кураша олмай қолади).

Иқтисодиётга таъсири:

аҳоли ўртасида иммунитетнинг пасайиб кетиши оқибатида бошқа турдаги қиммат дориларнинг сотиб олиниши учун бюджет маблағининг сарфи ортади;

фармацевтика саноатига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар миқдори ортиб боради ва аҳоли даромадининг катта қисми ҳам даволаниш учун дори воситаларига сарфланади;

дори воситалари импорти учун валютанинг четга чиқиб кетиш ҳолати ортиб боради;

дори препаратларининг назоратсиз қўлланилиши оқибатида бошқа касалликлар ҳам вужудга келади, унинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишга катта маблағ сарфланади;

реклама ахборотларидаги маълумотлар амалдаги ҳолатларга мос

келмаслиги истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлиб, реклама орқали сотиб олинган дори воситалари аҳолининг саломатлиги ва моддий манфатларига зарар келтиради.

Хавфсизликка таъсири:

ижтимоий жиҳатдан, дори воситаларининг назоратсиз, яъни рецептсиз сотилиши натижасида беморларда тузатиб бўлмас ва авлоддан авлодга ўтувчи бошқа касалликлар ривожланишига олиб келади;

дори препаратларини ишлаб чиқариш ҳамда беморларни даволаш тизимида лобби ва тамагирлик даражаси ошишига сабаб бўлади;

таркибида психотроп моддалари бўлган препаратларни сотиш ҳажми янада ортаётганлиги ўсиб келаётган авлоднинг дунёқараши, маънавий тарбияси, кадриятлари ва ҳаёти асосларини тубдан ёмон томонга ўзгартиради;

айрим ҳолатларда сотиб олинаётган дори воситалари беморга фойда бермайди. Бунинг ортидан аҳолининг давлатга нисбатан ишончсизлик ва норозилик кайфияти ортиб боради.

Мазкур муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, фармацевтика саноатини ривожлантириш, пандемия касалликлари бўйича (иккинчи тўлқини ёки бошқа потенциал вирусларнинг тарқалиши) ҳар қандай ҳолатга тайёр бўлиш ва аҳолини арзон нархлар бўйича ишлаб чиқарилган сифатли, хавфсиз ва самарали дори воситалари билан таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш тавсия этилмоқда:

1) медицина соҳасида илмий-тадқиқот, лаборатория ишларини амалга ошириш, тест тизимлари ва вакциналар устида ишлаш имкониятини яратиш;

2) Германия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, сотиладиган дори воситаларини категорияларга бўлиш ва шифокор рецептсиз сотишга қатъий чеклов ўрнатиш;

3) дорихоналар фаолиятини мутлақо янгидан кўриб чиқиш ва улар устидан тегишли органлар назоратини ўрнатиш ҳамда хусусий ёки уларнинг давлат клиникалари таркибида фаолиятини ташкил этиш;

4) қалбаки ёки психотроп дори воситаларини яширинча сотадиган дорихоналарга нисбатан кескин чоралар қўллаш тизимини жорий этиш;

5) маҳаллий ўсимликлар, минерал ва биологик хомашё асосида табиий дори препаратлари ва дамламалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

6) дорихоналарни ягона ахборот тизимига бирлаштириш имконига эга “Электрон ёзув”, “Электрон рецепт” ва “Электрон амбулатория картаси” зарур ахборот тузилмасини ишлаб чиқиш ҳамда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинидаги муассасаларда жорий этиш;

7) маҳаллий ишлаб чиқариладиган дори воситаларига қатъий нарх белгилаш тизимини жорий этиш, яъни дори воситалари нархининг барча дорихоналарда бир хил бўлишини таъминлашни ташкил этиш;

8) соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиенага риоя этиш ва тўғри овқатланишни кенг тарғиб қилиш, фуқароларда ўзи ва атрофдагиларнинг соғлиғи учун жавобгарлик масъулиятини шакллантириш, шунингдек, уларнинг дори воситаларидан ўзбилармонлик билан фойдаланишининг олдини олишга қаратилган тиббий маданият ва саводхонлигини ошириш;

9) аҳоли саломатлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш учун даволовчи шифокорларнинг ҳар беш йилда фаолиятини лицензиялаш тизимини жорий этиш;

10) мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этиш ишларини жадаллаштириш.

Юқорида тавсия этилган таклифлар соғлиқни сақлаш соҳасида давлат дастурларини амалга ошириш, фармацевтика саноати фаолиятини тартибга

солиш ҳамда ривожлантириш, дорихоналар фаолияти ва рецепт асосида дори воситалари сотишни такомиллаштириш, улар устидан назорат ўрнатиш орқали, аввало, хавфсизликни

таъминлаш, миллий иқтисодиётга келтириладиган зарарларни камайтириш ва аҳоли саломатлигини сақлаш тизимини ривожлантиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Манба ва адабиётлар

1. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати маълумоти: манба, <https://qalampir.uz/news/uzbekistonda-pandemiya-ok-ibatlari-bilan-kurashga-azhratilgan-mabla%D2%B3lar-ochik-landi-23080>
2. <https://kun.uz/news/2020/07/29/ozbekiston-koronavirusga-qarshi-kurash-uchun-1-milliard-dollardan-koproq-mablag-oldi>
3. 2020–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепцияси.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, 2020 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари.
6. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари / <https://yandex.ru/images/search/>.
7. <http://parliament.gov.uz/uz/events/committee/29157/>
8. Стожарова Н.К. Анализ заболеваемости населения Узбекистана болезнями системы кровообращения / <https://moluch.ru/archive/90/18713/>
9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими хабари / <https://uz.sputniknews.ru/society>.
10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари, 2020 й. / <https://www.norma.uz>.
11. Импорт и экспорт фармацевтической продукции по странам млрд \$ / https://zen.yandex.ru/media/map_mind.
12. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати маълумоти / <https://qalampir.uz/news/uzbekistonda-pandemiya-ok-ibatlari-bilan-kurashga-azhratilgan-mabla%D2%B3lar-ochik-landi-23080>.
13. <http://www.agro.uz/uz/news/agro/2020-yilda-yillik-tovar-aylanmasi-35-mlrd-dollardan-oshadi>.
14. <https://kun.uz/news/2020/07/29/ozbekiston-koronavirusga-qarshi-kurash-uchun-1-milliard-dollardan-koproq-mablag-oldi>